

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда ИСО 50001 халқаро стандарти асосида энергетик менеждмент тизимини жорий этиш

Магистратура талабаси: Д. Б. Солиев МЕТ-38 гуруҳи (ТТЙМИ)


Илмий раҳбар: Х. М. Муратов т.ф.д, профессор

Энергия ва ресурсларни тежаш - қўплаб мамлакатларнинг замонавий ишлаб чиқариш ва давлат сиёсатидаги муҳим вазифалардан биридир. Кўпгина мутахассислар ва экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистондаги корхона ва ташкилотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва атроф-муҳитга чиқадиган зарарли иссиқхона газларини камайтириш учун, мунтазам равишда энергия тежамкорлиги ва самарадорлигини ошириш соҳасида замонавий лойиҳаларни амалга ошириш лозим. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда замонавий энергетик менеждмент тизими асосида, корхона ва ташкилотларда энергия истеъмоли устидан назорат ўрнатиш ва мунтазам таҳлил қилиш сезиларли даражада самара бермоқда [3].

Бугунги кунга келиб энергетик менеждмент соҳаси бўйича ИСО (International Organization for Standardization) ҳақаро стандартлаштириш ташкилоти ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибасига асосан, ўзининг ИСО 50001 энергетик менеждмент стандартини жорий қилди. Мазкур халқаро стандарт Бирлашган миллатлар саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО) ташаббуси билан ИСО нинг махсус халқаро ишчи гуруҳи томонидан 2007 йилдан ишлаб чиқариш бошланган. Ушбу ташаббус алоҳида ўрни шундаки, у ривожланаётган давлатлардаги ишлаб чиқарувчилар, сиёсат юритучи мутасадди ташкилотлар, ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида ушбу соҳада юзага келаётган муаммолар ва тўсиқларни бартараф этиш ва бу борада кенг тарғибот ишларини олиб бориш орқали халқаро стандарт ишлаб чиқиш жараёнини қўллаб – қувватлашга қаратилган.

Стандарт, корхоналар энергия самарадорлигини ошириш учун тизимлар ва жараёнларни яратишга ёрдам беради. ИСО стандартларнинг ташкилотларнинг барча турларига ва ҳажмларига нисбатан қўлланилиши мумкинлигини таъкидлайди [1].

Энергетик менеждмент энергия самарадорлигини ошириш масалаларида нафақат энергия сарфини қисқартиришга, балки рентабелликни, рақобатбардошликни ва қўшимча инвестицияларни ошириш имконини беради. Қуйидаги жадвалда энергетик менеждментнинг асосий мақсад ва вазифалари асосланган:



1-жадвал. Энергияни бошқаришнинг асосий вазифалари [2].

Корхонада энергетик менеждментни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар бир-бирига ўхшаш босқичлар (tizim) сифатида ифодаланиши мумкин:

1. Энергия сарфини назорат қилиш;
 2. Инвестициялар ва энергияни тежаш бўйича чора - тадбирлар;
 3. Энергия истеъмолини назорат қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш.
- Умуман олганда, энергетик менеждментнинг босқичларини амалга ошириш қуйидагича:

Биринчи босқичда катта сарф харажатлар (моддий, молиявий, меҳнат ва ҳоказо) ҳисобига энергия истеъмоли устидан назорат ўрнатиш. Энергияни истеъмол қилиш устидан назорат ўрнатилиши билан, ушбу ҳаракатларга сарфланадиган сарф-харажатлар камая бошлайди. Ушбу босқичда энергия

ресурсларининг барча турларини истеъмол қилиш ва уларнинг харажатларини назорат қилиш асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу босқичда амалга ошириладиган асосий фаолиятлар:

- барча турдаги энергия ресурслари истеъмоли бўйича маълумотларни ҳисобга олиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш имконини берувчи қурилмалар билан таъинлаш;
- электр, иссиқлик, сув таъминоти, вентиляция, сиқилган ҳаво, совутиш тизимларининг функционал узатиш ва тартибга солиш самарадорлиги даражасини аниқлаш мақсадида, тизимларнинг тартибга солиш ва бошқариш методини баҳолаш;
- ташкилот ходимлари томонидан энергияни тежаш зарурлиги тўғрисида хабардорлик даражасини ошириш бўйича тушунтириш ишларини ўтказиш;
- энергия самарадорлигини оширишнинг мақсади, усули ва воситалари бўйича ходимларни тайёрлаш ва керакли тавсиялар бериш;

Иккинчи босқичда энергия самарадорлигига инвестиция киритиш жараёнини таъминлаш керак. иккинчи босқични амалга ошириш дастлаб, қоида тариқасида сезиларли даражада сустлашади.

Ушбу босқичда тизимли равишда энергияни истеъмол қилувчи қурилмалар назорат остига олиниб, яққол кўзга ташланувчи энергиянинг нораціонал сарфларига чек қўйилади, бу ўз навбатида энергия самарадорлигини яхшилайдиган инвестиция дастурларини амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқишга имкон яратади. Бу эрда тадбирларнинг устувор рўйхати тузилади ва инвеститсиялар киритилади.

Учинчи босқичда энергия бошқарувининг самарали компьютерлашган ахборот мониторинг тизимини яратиш зарур. Ушбу тизим фойдаланувчиларга бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам берадиган маълумотларни реал вақтда, тақдим этиши керак.

Юқори энергия истеъмоли потенциалига эга бўлган “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг корхона ва ташкилотларида ИСО 50001 стандарти асосида энергетик менеджмент тизимни жорий этиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитга чиқадиغان иссиқхона газларини назорат қилиш ва камайитириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ISO 50001 energy management system, handbook to use. Published in Switzerland.
2. С. А. Хохлявин Система энергоменеджмента: от стандартов национальных к стандартам ИСО //Мир стандартов. - 2007. - №10. - С. 59 - 64.
3. standart.uz, iso.org, nsm.uz, unido.ru